

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ТОЙИРОВА ТУРСУНОЙ АБДУГАПИРОВНА

ИПАКЧИЛИК ЧИҚИНДИЛАРИДАН ТЎҚИМАЧИЛИК
МАТЕРИАЛЛАРИ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН
ЭМУЛЬСИЯНИ ТАЙЁРЛАШ УСУЛИНИ ЯРАТИШ

05.06.01-Тўқимачилик ва енгил саноат ишлаб чиқаришлари материалшунослиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
потехническим наукам
Contents of dissertation for doctor of philosophy (PhD)
in technical science**

Тойирова Турсуной Абдугапировна

Ипакчилик чиқиндиларидан тўқимачилик материаллари сифатини
яхшилашда ишлатиладиган эмульсияни тайёрлаш усулини
яратиш.....3

Тойирова Турсуной Абдугапировна

Создание методики подготовки из шелковых отходов эмульсии
используемой для улучшения качества текстильных материалов.....21

Toyirova Tursunoy Abdugapirovna

Developing a method for preparation an emulsion from silk waste
using for improving the quality of textile materials.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ТОЙИРОВА ТУРСУНОЙ АБДУГАПИРОВА

ИПАКЧИЛИК ЧИҚИНДИЛАРИДАН ТЎҚИМАЧИЛИК
МАТЕРИАЛЛАРИ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН
ЭМУЛЬСИЯНИ ТАЙЁРЛАШ УСУЛИНИ ЯРАТИШ

05.06.01-Тўқимачилик ва енгил саноат ишлаб чиқаришлари материалшунослиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1. PhD/T547 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (titli.uz) ҳамда "Ziynet" ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кулметов Мирлолат Кулметович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оponentлар:

Набиева Ирода Абдусаматовна
техника фанлари доктори, профессор

Ахмедов Акмал Ахмедович
техника фанлари номзоди
"Paxtasanoat ilmiy markazi" АЖ

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон табиий тоналар илмий тадқиқот институти


Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил "30" апрель соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100100,Тошкент, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+9987) 253-06-06; факс: (+9987) 253-36-17; titlr info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин. (55-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+9987) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2019 йил " __ " апрель куни тарқатилди.
(2019 йил " __ " апрелдаги 58-рақамли реестр баённомаси).

 **Б.О.Онорбоев**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д.

 **А.Э.Гуламов**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

 **С.А.Хамраева**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўқимачилик хом ашёсини қайта ишлаш жараёнларига янги технологияларни қўллаб, тайёр маҳсулот сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунё бўйича 80 дан ортиқ давлатларда пахтанинг 4 та *Gossipium hirsutum*, *Gossipium barbadense*, *Gossipium arboreum*, *Gossipium herbaceum* турлари мавжуд бўлиб, улардан асосан Хитойда-6,7; Ҳиндистонда-5,1; АҚШда-3,8; Покистонда-2,1; Бразилияда-1,5; Австралияда-0,9; Ўзбекистонда-0,9 млн. тонна тола етиштирилади¹. Пахта бўйича халқаро консультатив қўмита (ICAC)нинг маълумотига кўра, жаҳон бозорида пахта экиладиган майдонларнинг 2% га қисқартирилиши натижасида ундан тайёрланган маҳсулотга бўлган талаб 33,4 млн. тоннагача ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда сув танқислигини инобатга олиб, минтақалардаги тупроқнинг климатик шароитига мос равишда, замонавий биотехнологияларни қўллаб сувсизликка чидамли, юқори сифатли ғўза навларини яратиш, улардан олинган толани эса тўқимачилик саноатида самарали қайта ишлаб, тайёр маҳсулот олишмуҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда тўқимачилик маҳсулотлари сифатига қўйиладиган талабларнинг ортиб бориши тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда технологик жараёнларга таъсир этувчи муҳим омилларни инобатга олиб, илмий тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Бу борада пахта толасига талаб этилган хусусиятларни бериш мақсадида, унга турли кимёвий моддалар билан ишлов бериш орқали эришилмоқда. Шу билан бирга тўқимачилик материаллари тола, ип ва тайёр маҳсулотлар сифатини яхшилаш учун корхонада пахта толасига технологик жараёндан ўтишдатурли кимёвий эритмалар билан ишлов беришни камайтириш зарур деб ҳисобланмоқда.

Республикамизда пахта-тўқимачилик кластерларини қўллаб пахта хом ашёсини етиштириш, дастлабки ишлов бериш, қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли, рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, юқори қўшимча қийматли рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...”² каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, пахтатоласини қайта ишлаш, тозалаш, йигириш ва тўқувчилик корхонларида маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида таклиф этилаётган эмульсиялаш усуллари, ҳамда эмульсиялаш ваохорлаш технологиясини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

¹<http://www.agroxxi.ru./stati/hlochatnik-vidy-i-sorta.html>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони ва “Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишлибошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Пахта толасини қайта ишлаш, йигириш технологик жараёндан ўтиш ва талаб этиладиган хусусиятларни беришчун турли кимёвий моддалар билан ишлов бериш бўйича I.Constanta, S.Christian, B.Thomas, A.Klaus-Alfred, W.Peter, M.Walter, G.Volpinch, J.L.Wood ва бошқаларнинг ишлари кўриб чиқилган.

Мамлакатимизда қатор олимлар, жумладан Р.А.Гуляев, А.Е.Лугачев, Б.И.Қосимов, Т.Б.Муродов, К.Болтабаев каби олимлар пахтани дастлабки ишлаш ва йигириш жараёнларининг бир маромда ўтишини таъминлаш ва сифатли тўқимачилик маҳсулот олиш учун турли кимёвий эритмаларни қўллаш, Х.Х.Бабаджанов, А.А.Миратаев, Н.М.Ислombeкова ва хорижий олимлар Н.Н.Крик, В.А.Трокоз, А.А.Чиркин, Е.И.Коваленко, Т.Б.Аретинская, Л.И.Надольниклар эса тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа соҳаларда ипак курти ғумбагидан тайёрланган эритмалардан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб боришган.

Тадқиқот мавзусига бағишланган адабиётлар таҳлилидан, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш бўйича олиб борилган илмий ишларда сувсизликка чидамли пахта навларининг ўзига хосликларига етарлича аҳамият берилмаган. Пахта толасини йигириш жараёнида мойлаш ва эмульсиялаш учун асосан кимёвий моддалар (каустик, велосит ва алазарин мойи, глицерин, моноэталомин, ПЭГ-115) ишлатилган. Кимёвий моддалар четдан келтирилгани учун нархи қиммат ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирги кунда барча соҳаларда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Сувсизликка чидамли ғўза толаларининг сифат кўрсаткичлари, кимёвий таркиби ва уларни йигиришда мойлаш ва эмульсиялаш бўйича тадқиқот ишлариетарли даражада ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №И-2011-4-4 “Ресурстежамкор трикотаж тўқималарини олиш технологиясини яратиш” ва №ИК-09-06-2 “Пиллакашликнинг нотола чиқиндилари асосида янги сирт

фаол модда олиш ва уларни ишлаб чиқариш корхоналарида қўллаш” мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсадисувсизликка чидамли ғўза навларидан етиштирилган пахта толаларининг физик-механик ҳамда кимёвий таркиб кўрсаткичлари асосида ипак қурти ғумбагидан эмульсия тайёрлаш усулини яратишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари.

сувсизликка чидамли пахта толасини етиштириш анъанасини таҳлил этиш, пахта толаси сифатини илғор синов ускуналарида қиёсий ўрганиб, афзалликларини асослаш;

сувсизликка чидамли пахта толасининг физик-механик ва кимёвий таркиби кўрсаткичларига мувофиқ эмульсияни маҳаллий хом ашё (пилла чувиш чиқиндиси-ғумбак)дан ишлаб чиқиш;

экпресс йигириш лабораториясида эмульсиялаш жараёнини оптималлаштириб, унинг асосида трикотаж ипи намунасини ишлаб чиқиш;

йигирилган ипларнинг физик-механик кўрсаткичларини қиёсий ўрганиб, эмульсия таркибининг оптимал вариантини аниқлаш;

тўқувчилик ипларини охорлаш учун ипак қурти ғумбаги асосидаги эритма концентрациясининг оптимал вариантини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сувсизликка чидамли Хоразм, Қорақолпоғистон ва Андижон вилоятларида етиштирилган ғўза нави толаси, тола сифат кўрсаткичларини аниқловчи синов ускуналари, ипак қурти ғумбагидан тайёрланган эмульсия, пневмомеханик йигириш машинасида олинган ип ва унинг сифат кўрсаткичларини аниқловчи синов ускуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тола, пилта, ип сифатини аниқлаш услуги, пилла чувиш чиқиндиларидан тайёрланган маҳаллий эмульсиянинг пахта ипи кўрсаткичларига таъсири ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тўқимачилик толаларини йигириш технологияси, тўқимачилик материалшунослиги, математик статистика ва эҳтимоллар назарияси, пухталиқ назарияси, квалиметрия усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

сувсизликка чидамли ғўза нави толаларининг физик-механик ва кимёвий хоссалари асосида ипакчилик чиқиндиларидан янги таркибли эмульсия яратилган;

тўқимачилик материаллари сифатини яхшилашда ипак қурти ғумбаги эмульсиясини тайёрлаш усули ишлаб чиқилган;

тўлиқ омилли тажрибавий тадқиқотлар асосида эмульсияланган чизиқли зичлиги 25 текс ипнинг вариация коэффицентини камайтиришнинг рационал параметрлари ишлаб чиқилган;

тўқувчилик ипларини охорлашда ипак қурти ғумбаги эритмаси концентрацияси ипнинг физик-механик хоссаларига таъсирининг самарали варианты кичик квадратлар усулида полиноминал регрессия моделини ечиш натижасида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сувсизликка чидамли пахта толасининг физик-механик, кимёвий таркиб кўрсаткичлари ва ИК-спектрограммалари таҳлили асосида маҳаллий хом ашё-пилла чувиш чиқиндиси-ипак қурти ғумбагини қўллаб, уч хил вариантда эмульсия таркиби ишлаб чиқилган;

эмульсиялаб олинган иплардан физик-механик ва нотекислик хоссаларини замонавий тизимларда баҳолаш асосида пайпоқ маҳсулоти намуналари ишлаб чиқилган;

ипак қурти ғумбагини қўллаб, тўқувчилик танда ипларини охорловчи эритма ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги апробация ва қўллаш натижаларида сувсизликка чидамли пахта толаси ва эмульсиялаб олинган ипларнинг физик-механик, чўзилиш деформацияси, нормал тақсимланиш қонунлари тадқиқот мезонларига кўра адекватлиги, ўтказилган назарий ва амалий тадқиқот натижаларининг ижобийлиги, уларни ўрганилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилиб асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илғор технологиялар билан жихозланган йиғириш лабораториясида ипакчилик чиқиндиларидан тўқимачилик материаллари сифатини яхшилаш учун эмульсияни тайёрлаш усули яратилди ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти (IAP 04532) олинди, “Рахтасаноат ilmiy markazi” АЖ лабораториясида ва ип йиғириш корхоналарида тажрибаларда синаб кўрилди, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақолпоғистон бўлими Биоэкология илмий тадқиқот институтида экспертизадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра пахта толалаи учун маҳаллий эмульсиянинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш ва қўллаш усулини яратиш, сувсизликка чидамли ғўза навлари толаларининг ипакчилик чиқиндиларидан яратилган эмульсияни қўллаш усулини ўқув жараёнига тадбиқ этилиши (акт 5.09.2011 йил) билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ипакчилик чиқиндиларидан тўқимачилик материаллари сифатини яхшилашда ишлатиладиган эмульсияни тайёрлаш усулини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

маҳаллий хом ашё ипакчилик чиқиндиларидан олинган эритма ёрдамида пахта толасини эмульсиялаш “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тасарруфидаги “Kottontex” корхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси 2018 йил 5 октябрдаги ДМ/217-сон маълумотномаси). Натижада пахта толаларининг технологик жараёндан ўтишда намликнинг сақланиши ва толаларнинг зарядланиш кўрсаткичларини камайтириш имконини берган;

ипак қурти ғумбаги асосида олинган эмульсия билан пахта толасига ишлов бериш усули “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тасарруфидаги

“Kottontex” корхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси 2018 йил 5 октябрдаги ДМ/217-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида толадан ип чиқиши 1,4 % га ошириш имкони яратилган;

маҳаллий эмульсия билан пахта толасига ишлов бериб ип йигириш технологияси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тасарруфидаги “Kottontex” корхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси 2018 йил 5 октябрдаги ДМ/217-сон маълумотномаси). Натижада ип физик-механик кўрсаткичларининг яхшиланиши ҳамда нотекисликни 10% га камайтириш, танда ипларини ипак қурти ғумбаги асосидаги эритма қўшиб оҳорлаш натижасида ипнинг солиштирма узилиш кучи ошганлиги ва пардозлаш жараёнида оҳорни ювиш харажатлари ва вақтини қисқартириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиш. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола нашр этилган ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та ихтиро патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш муаммолари”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар манбаининг аналитик таҳлили келтирилган бўлиб, унда илмий манбалар ўрганилиб, бажарилган тадқиқотлар асосан пахтачилик соҳасидаги таркибий ислохатларнинг устувор йўналишлари: иқлим шароитини инобатга олиб пахта етиштиришнинг янги технологияларини ривожлантириш; пахта толасини етиштиришда сув сарфини камайтириш; унинг агротехник ва тола сифат кўрсаткичларини яхшилаш; республикада пахта етиштирувчи регионларнинг тупроқ климатик шароитига ва унинг селекцияси бўйича юқори даражадаги технологияга боғлиқлиги ўрганилган.

Пахта толасининг йигириш технологик жараёнда табиий хоссаларини сақлаш ва сифатли ип олиш мақсадида қўлланиладиган эмульсияни маҳаллий хом ашё-ипак курти ғумбагидан олиш усуллари таъкидланган.

Қорақолпоғистон шароитида ва Ўзбекистоннинг шимолий регионларида сув танқислиги туфайли, пахта етиштиришда етарли даражада суғорилмайди. Шунинг учун бу регионларда етиштирилган ғўза навлари сувсизликка чидамли бўлади. Бу навларни тўқимачилик саноатида қайта ишлаш кам ўрганилгани ҳақида малумот берилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот объекти ва маҳсулот сифатини баҳолаш усуллари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари тавсифлари келтирилган, тўқимачилик маҳсулотларининг сифатини назорат этиш, сифат кўрсаткичларини баҳолаш усуллари ва мезонлари, амалдаги меъёрий-техник ҳужжатлар талаблари, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика қонуниятлари боғлиқликларини замонавий техника-технологиялардан самарали фойдаланиш асосида натижаларнинг аҳамиятлилиги, тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида тавсия этилган квалитет параметрларнинг бошқарилишини таъминлаш, маҳсулот сифатини оширишга эришиш усуллари таърифланган.

Диссертациянинг “Эмульсиялаш асосида ип сифат кўрсаткичларини яхшилаш” деб номланган учинчи бобида пахта толаси сифат кўрсаткичлари, структура тузилиши, кимёвий таркиби ва ИК-спектрограммаси, ипак курти ғумбагидан олинган эмульсиянинг физик-кимёвий хоссалари, пахта толасини эмульсиялаш ва ундан йигириб олинган ипларнинг сифат кўрсаткичлари таҳлиliga бағишланган.

Тадқиқот учун Хоразм 127, Чимбой 5018 ва Андижон 35 навлари танлаб олинди ва уларнинг кимёвий таркиби ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Синалаётган толалар кимёвий таркиби

№	Пахта толаси таркиби, %	Курук массага нисбатан, %				Фарқи, %	
		Г.Н.Кукин тавсифи бўйича	Хоразм 127	Чимбой 5018	Андижон 35	Хоразм 127 навига нисбатан	
						Чимбой 5018	Андижон 35
1.	α-Целлюлоза	96	94,0	93,7	94,5	+0,31	-0,52
2.	Пектин(пектозан моддалар)	1,5	0,77	0,85	0,72	-6,4	+10
3.	Азот бирикмалар ва оксил моддалар	0,3	2,27	1,98	1,31	+12,7	+42,2
4.	Ёғ-мум моддаси	1,0	0,70	0,97	0,82	+17	+38
5.	Кул моддаси*	1,2	1,86	2,5	2,65	+5,6	+29,8

*тупроқ хусусиятлари ва пахта етиштириш агротехикасига боғлиқлиги таъкидланган.

1-жадвалдаги кўрсаткичлардан синалаётган навлар толалари таркибидаги целлюлоза Г.Н.Кукин тавсифидан камроқ (93,7-94,5%), Хоразм

127, Чимбой 5018 да нисбатан +0,5 ва Андижон 35 га нисбатан 0,36, кул моддаси бўйича фарқ мос равишда +42 ва +34%ни ташкил этишини таъкидлаш мумкин.

Шундай қилиб, Хоразм 127 пахта толасида ёғ-мум ва кул моддаси миқдорининг нисбатан камлиги сабабли уни йиғиришда табиий препаратлардан самарали фойдаланиб, мойлаш ёки эмульсиялаш, эмульсияловчи моддаларнинг таркиби ва миқдорларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Эмульсия тайёрлаш тадқиқот ишларида ипак қурти ғумбаги (Хитой дурагайи) ёғ-мой препарати ишқорли агент (хўжалик совуни-72% ёғдорлик), ва сув (оддий-рН-5,5 $t=20-25^{\circ}\text{C}$)дан уч хил вариантда амалга оширилди (2-жадвал):

2-жадвал


Ипак қурти ғумбагидан тайёрланган эмульсия вариантлари

1-вариант	2-вариант	3-вариант
Ипак қурти ғумбаги 2 kg	Ипак қурти ғумбаги 3 kg	Ипак қурти ғумбаги 4 kg
Хўжалик совуни 1 kg	Хўжалик совуни 1 kg	Хўжалик совуни 1 kg
Сув 97 l	Сув 96 l	Сув 95 l
Жами 100 l	Жами 100 l	Жами 100 l


Эмульсия тайёрлаш жараёни вариантларда ғумбак миқдorigа қараб қуйидагича бажарилди:

Хона ҳароратидаги 97 (2-вариантда 96 l сув, 3-вариантда 95 l) литр сувга 2 kg (2-вариантда 3 kg ғумбак, 3-вариантда 4 kg ғумбак) майдаланган ва махсус қопчаларга солинган ғумбак, ҳамда 1 kg хўжалик совуни солиниб, 1 соат давомида $92^{\circ}-94^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қайнатилиб тайёрланади. Тайёр эмульсия филтрдан ўтказилади, $t=20-25^{\circ}\text{C}$ ҳароратгача совугандан кейин толаларга форсунка ёрдамида 100:2 (100 kg пахта толасига 2 l) нисбатда сепилди.

Тўқимачилик толаларининг сув ва сув буғларини ютиши (сорбция) ва ўзидан атроф-муҳитга чиқариши (десорбция) гигроскопик хусусиятларини ифодалайди. Тажриба намуналарини ишлов берилмаган ва эмульсияланган ҳолатда сорбцияси ўрганилди. Эмульсияланган толаларда намликни ютиш 14-20% га тенг бўлди (1-расм).




а)



б)

1-расм. Пахта толаси намуналарининг сорбция кинетикаси
1,4-Хоразм 127; 2,5-Чимбой 5018; 3,6-Андижон 35
а) ишлов берилмаган, б) 2% эмульсия билан ишлов берилган

Хоразм 127, Чимбой 5018 ва Андижон 35 навлари толаларига ишлов берилмаган ва уч хил вариантда (2%, 3%, 4%) эмульсия билан ишлов берилди. Экспресс йигириш Шерли курилмасининг II ўтимдан олинган чизиқли зичлиги 4000 teks пилтадан ТТЕСИ йигириш лабораториясидаги BD-330 (Чехия, SAURER фирмаси) пневмомеханик йигириш машинасида 2-расмдаги йигириш технологик жараёни бўйича чизиқли зичлиги T=25 teks ип ишлаб чиқарилди.



2-расм. Йигириш технологик жараёнлар кетма-кетлиги


Ипларнинг сифат кўрсаткичлари ГОСТ 9092 меъёрлари билан таққосланди. Чизиқли зичлик бўйича барча вариантларда оғиш миқдори меъёрдан ошмаган, ипнинг нисбий пишиқлиги 2% эмульсияда Хоразм 127 ва Чимбой 5018 навларида яхшиланганлиги, мос равишда 10,1 ва 10,57 cN/teks узилишдаги узайиш ўзгармаган, эшишда вариация коэффиценти стандарт меъёрга тўғри келишини, тукдорлик Хоразм 127 навида 2% ли эмульсия билан ишлов берилган ипда 2 марта 51,7 дан 25,1 гача камайганлигини кузатиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Ипнинг физик-механик кўрсаткичлари

Вариантлар	Селекция навлари	Чизиқли зичлик, teks	Чизиқли зичлик бўйича фарқ, %	Чизиқли зичлик бўйича вариация коэффиценти, CV _r	Ип нисбий узиш кучи, P _{ип} , cN/teks	Узилишдаги узайиш, %	Узиш кучи бўйича вариация коэффиценти, CV _p , %	Эшилиш, Э _{ур} , bur/m	Эшилиш бўйича вариация коэффиценти, CV _к , %	Тукдорлик (3-10mm)	Тукдорлик бўйича вариация коэффиценти, %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
0-ишлов берилмаган вариант											
1.	Хоразм 127	23,2	7,2	2,6	9,48	7,35	8,54	798	2,2	51,7	16,2
2.	Чимбой 5018	26,6	6,4	4,8	9,48	7,49	8,85	784	1,4	44,0	15,0
3.	Андижон 35	27,7	10,8	1,3	8,1	7,45	10,11	753	5,0	40,6	21,2
2% эмульсия билан ишлов берилган вариант											
4.	Хоразм 127	24,3	2,8	1,7	10,11	7,38	6,5	733	1,2	25,1	12,3
5.	Чимбой 5018	24,2	3,2	3,9	10,57	7,14	6,72	801	1,2	40,7	13,9
6.	Андижон 35	24,7	1,2	3,3	9,69	7,65	10,06	792	3,9	39,5	20,0
3% эмульсия билан ишлов берилган вариант											
7.	Хоразм 127	27	8	5,4	9,93	6,16	8,81	820	3,2	30	15,7
8.	Чимбой 5018	26,2	4,8	1,15	11,19	7,59	7,06	783	4,6	32,4	17,0
9.	Андижон 35	26,1	4,4	4,47	8,11	6,24	11,37	719	4,4	31,1	19
4% эмульсия билан ишлов берилган вариант											
10.	Хоразм 127	25,8	3,2	6,3	9,47	7,04	16,6	767	2,2	40,4	16,1
11.	Чимбой 5018	24,7	1,2	1,57	9,03	6,79	7,01	791	3,5	40,9	17,9
12.	Андижон 35	25,1	0,4	2,2	9,03	6,02	7,67	764	2,4	40,3	18,1

3-жадвалдаги натижаларга асосан эмульсиянинг самарали вариантини аниқлаш учун ипнинг сифат кўрсаткичлари комплекс диаграммаси тузилди.



3-расм. Эмульсия таркибининг ип сифатига таъсири комплекс диаграммаси. а) 1,2,3,4,5,6-вариантлар; б) 7,8,9,10,11,12-вариантлар

Ишлов берилмаган ва 2% эмульсия билан ишлов берилган вариантлардаги ипларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича кўпбурчак S юза ҳисобланиб баҳоланган (4-жадвал).

4-жадвал

Комплекс диаграмма юза катталиги

Т.р	Селекция навлари	Комплекс диаграмма юзаси, mm^2			
		Ишлов берилмаган вариант-0	Эмульсия таркиби, %		
			2	3	4
1.	Хоразм 127	3038	3506	3124	3246
2.	Чимбой 5018	2847	3414	3204	3256
3.	Андижон 35	2647	2856	2820	2910

Бизнинг таҳлилимизда, 2% ишлов берилган Хоразм 127 навидан олинган ипнинг сифат кўрсаткичлари яхши деб топилди.

Ипларнинг сифатини ифодаловчи мезонлардан муҳим бўлган нотекислик кўрсаткичлари турли усулларда аниқланди. Бизнинг ишимизда Premier (Ҳиндистон) ускунасидан фойдаланилди. Бу ускуна ёруғлик оқими ўзгариши ўртача кўрсаткичи ва меъерий тўлқин катталиклари билан таққослаш асосида олти нотекислик характеристикалари (чизиқли зичлик бўйича нотекислик- U_m , %, турли миқдордаги непслар сони, 3-10 mm лик тукдорлик ва уларнинг вариация коэффицентлари) аниқлайди. Синов ишлари юқорида келтирилган ҳар бир вариант ипларнинг нотекислик кўрсаткичлари бешта такрорийликда бажарилди (5-жадвал).

Олинган натижалардан синалаётган ипларнинг нотекислиги бўйича Хоразм 127 навида ишлов берилмаган ипга нибатан барча эмульсияланган ипларда яхшиланган, эмульсияланмаган вариантда CV14,85 % бўлса 2% ишлов натижасида 12,7 %, яъни 17 % текисланган. Непслар 140 чегарада 1868 дан 2% ли эмульсия берилган варианда 812, яъни 2,5 баравар

камайганва тукдорлик 3-10 mm оралиғида 142 дан 118 тола ($\approx 15\%$) камайганлигини таъкидлаш мумкин.


Бошқа вариантларга нисбатан 2% ли эмульсияда Хоразм 127 нави нотекислик (U_m , %), вариация коэффиценти (CV ,%), непслар, тукдорлик (3-10 mm) ва вариация коэффиценти (CV ,%) бўйича энг яхши кўрсаткичларга эга бўлгани кузатилган.

5-жадвал

Ипнинг нотекислик кўрсаткичлари


Вариантлар	Селекция навлари	Чизикли нотекислик, U_m , %	Вариация коэф-фициенти, CV , %	Непслар, %				Тукдорлик, 3-10mm	Вариация коэф-фициенти, CV , %
				140%	Вариация ко-эффиценти, CV , %	280%	Вариация ко-эффиценти, CV , %		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
0-ишлов берилмаган вариант									
1.	Хоразм 127	14,85	18,89	2104,0	22,16	106,0	21,55	141,6	9,0
2.	Чимбой 5018	13,02	16,7	1051,6	19,24	90,8	19,49	128,2	9,8
3.	Андижон 35	13,04	16,61	1574,0	21,6	119,0	26,7	79,6	9,4
2% эмульсия билан ишлов берилган вариант									
4.	Хоразм 127	12,7	16,06	845,8	12,1	28,0	17,75	123,2	7,6
5.	Чимбой 5018	13,84	17,71	1254,8	12,6	67,4	12,8	124	6,2
6.	Андижон 35	13,92	17,68	2359,8	11,19	148,2	20,65	127	7,4
3% эмульсия билан ишлов берилган вариант									
7.	Хоразм 127	14,02	17,83	1159,0	7,82	80,6	22,84	185,0	9,1
8.	Чимбой 5018	13,17	16,75	1089,8	11,5	50,6	19,8	178,0	4,0
9.	Андижон 35	14,55	18,47	2521,4	18,65	90,0	19,6	173,6	12,7
4% эмульсия билан ишлов берилган вариант									
10.	Хоразм 127	12,73	16,16	882,0	14,6	61,0	21,5	100,0	10,4
11.	Чимбой 5018	14,86	19,33	1852,4	15,24	60,0	17,6	170,0	3,5
12.	Андижон 35	14,14	18,24	1911,8	8,1	185,0	24,02	139,0	9,4

Premier синов ускунасида олинган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари диаграмма кўринишида ҳам берилган. Қуйидаги расмларда синалаётган учта нав толаларидан йиғирилган ип ва 2% эмульсия билан ишлов бериб йиғирилган ип нотекислиги бўйича диаграмма 4-расмда келтирилган.



а)

$A=5,2$; $E=2,5$




б)

$A=1,5$; $E=1,9$

4-расм. Хоразм 127 нави толасидан йиғирилган ип нотекислиги диаграммаси.
а) ишлов берилмаган, б) 2% эмульсия билан ишлов берилган

Ипдаги непслар унинг тозалигини баҳолашда муҳим кўрсаткич бўлиб, тайёр маҳсулотларни Premier ускунасида олинган яна битта кўрсаткич-бир km ипда турли катталиқдаги (140%, 200%, 280%, 400%) непслар синфланиши айлана диаграмма кўринишида 5-расмда келтирилган.



5-расм.Хоразм 127 нави толасидан йиғирилган ипдаги непслардиаграммаси.

а) ишлов берилмаган, б) 2% эмульсия билан ишлов берилган

Ип нотекислик кўрсаткичларини $N=2^3$ тўлиқ омилли тажрибаларни режалаштиришни қўллаб оптималлаштирилди. Бошқариладиган омиллар параметрлари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Тажрибаларни режалаштириш


Т.р	Омилларнинг номи белгиси	Кодлаштирилган белгиси	Омилларнинг ҳақиқий қиймати			Ўзгариш оралиғи
			-1	0	1	
1.	Эмульсия таркиби, x_1	X_1	0,01	2,01	4	1,995
2.	Пахта толасининг солиштирма узиш кучи, cN/текс, x_2	X_2	28	30	32	2
3.	Пахта толаси узунлиги, дюйм, x_3	X_3	1,10	1,12	1,14	0,02

Экспериментни режалаштириш тартибига асосан ипнинг квадратик нокеслигини адекватлигини ифодаловчи регрессия модели $Y_R = 17,9029 - 0,5871x_1 - 0,3904x_3$ олинган.


Омилларнинг ҳақиқий қийматидан кодлаштирилган қийматига қуйидаги муносабатлар оркали ўтказилади.

$$x_1 = \frac{x_1 - 2,005}{1,995}, \quad x_2 = \frac{x_1 - 30}{2}, \quad x_3 = \frac{x_1 - 1,12}{0,02}$$

Демак, тўлиқ омилли тажрибаларни режалаштириш ва эмульсия таркиби 2% ва толанинг солиштирма узиш кучи кўрсаткичлари 28 cN/teks бўлганда чизиқли зичлиги T=25 teks Хоразм 127 селекция навидан олинган пневмомеханик ип вариация коэффиценти кўрсаткичлари нисбатан кичик қийматларга эгаллигини таъкидлаб, ишлаб чиқаришга 2%ли эмульсияни қўллаш тавсияси берилади.



6-расм. Эмульсия улушининг ип вариация коэффиценти таъсири графиги



7-расм. Тола солиштирма узиш кучининг ип вариация коэффиценти таъсири графиги

Технологик жараёнда ярим маҳсулот, ипларнинг чизиқий зичлиги бўйича квадратик нотекислиги ёки Устер бўйича вариация коэффиценти бўйича графикари уларнинг ярқилик ва пухтали хоссаларини баҳолашда кўрсаткич фарқлари даражаларини ортириб таҳлил қилинади.

Материаллар хоссасини аниқлаш натижаларини тадқиқ қилишда эмпирик тақсимланиш тавсифи асосида, лабораториядан олинган маълумотларни амалда ишлатишда ёки қайта ишлашда проф.А.Н.Соловьев таклиф этган ишончлилик характеристикаларидан фойдаланилди.

Тажриба учун сувсизликка чидамли Хоразм 127 навидан 2 хил вариантда:

1-2% ипак қурти ғумбагидан олинган эмульсия билан ишлов берилган ва 2-ишлов берилмаган толалардан йигирилган чизиқли зичлиги T=25 teks ипларнинг сифат кўрсаткичлари, яъни узиш кучи синов натижаларини баҳолашда нормал тақсимланиш қонунидан фойдаланамиз.

Маълумки, нормал тақсимланишнинг дифференциал функцияси қуйидаги кўринишга эга


$$f(x) = \frac{1}{\sigma_x \cdot \sqrt{2\pi}} \ell^{-\frac{(x-\bar{x})^2}{2\sigma_x^2}} \quad (1)$$

Нормал тақсимланиш параметрлари сифатида математик кутилиш (ёки ўртача қиймат) \bar{X} ва дисперсия σ_x^2 ҳисобланади, ишончлилик характеристикалари бўйича эмпирик тақсимланишнинг нормал тақсимланиш қонунига мослигини баҳолаш учун ишончлилик қоғози усулини қўллаймиз. Ишончлилик қоғозидан боғлиқликни куриш учун абсцисса ўқига ўрганилаётган қийматлар қўйилади, ордината ўқига ишончлилик ҳамда қўшимча и қийматлари қўйилади.


Синов натижалари тартиб рақами бўйича ω куйидаги формула билан ҳисоблаб топилади.

$$\omega = \frac{i - 0,5}{n} \quad (2)$$

бу ерда, ω - частота йиғиндиси қийматлари; i -сарфланган натижалар қатори тартиб рақами; n -умумий тажрибалар сони. Ҳисоб натижалари бўйича куйидаги графиклар чизилди (8-9 расм).




8-расм. Ишлов берилмаган ип узиш кучи бўйича тақсимланиши




9-расм. 2% эмульсия билан ишлов берилган ип узиш кучи бўйича тақсимланиши

Ўтказилган синов натижалари бўйича 8 ва 9-расмлар таққосланганда 2% эмульсия билан ишлов бериб йиғирилган ип мустаҳкамлик кўрсаткичи бўйича нормал тақсимланиш қонунига бўсуниши кўриниб турибди, яъни нуқталар ишлов берилмаганга нисбатан тўғри чизиқда жойлашган.

Тадқиқ этилаётган Хоразм 127, Чимбой 5018 ва Андижон 35 навларидан ишлов берилмаган ва 2% эмульсия билан ишлов берилиб йиғирилган ипларнинг бир даврли чўзилиш деформацияси “Стойка” асбобларида юк 0,15Р миқдорда бўлган ҳолат учун ўрганилди. Натижалар графикларда келтирилган (10-расм).



а)



б)

10-расм. Иплар чўзилиш деформацияси схемаси.

а) ишлов берилмаган ип намуналари; б) 2% эмульсия билан ишлов берилган ип намуналари

Графиклар таҳлилидан учала навда ҳам 2% ишлов берилган ипларда ишлов берилмаган ипларга нисбатан тўлиқ деформация таркиби ўртача 6,6% гача, қайишқоқ деформация 22-26 % гача, эластик деформация ўртача

9-20 % га ошганни, пластик деформация эса ўртача 20-27 % га камайгани аниқланди.

Диссертациянинг “Тўқимачилик маҳсулотларининг сифатини эмульсиялаш асосида яхшилаш” деб номланган тўртинчи бобида эмульсияланган иплардан трикотаж маҳсулот-пайпоқ ишлаб чиқарилди.



Тадқиқот учун Хоразм 127 ва Андижон 35 нави толасидан олинган 25 тексли пахта иплари (3-жадвал)дан фойдаланилди. “Lambda” пайпоқ тўқув автомати ёрдамида глад тўқимасида тўрт хил вариантда 1,2-вариант ишлов берилмаган, 3,4-вариант 2% эмульсия билан ишлов берилган ип намуналаридан пайпоқ тўқилди. Пайпоқ тўқимасининг физик-механик кўрсаткичлари бўйича ўтказилган синов натижалари 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Пайпоқ тўқимасининг физик-механик кўрсаткичлари

	Кўрсаткичлар	Белгила-ниши	Ўлчов бирлиги	Вариантлар			
				1	2	3	4
1.	Ҳаво ўтказувчанлик	B	sm^3/sm^2c	140	146	140	144
2.	Ишқаланишга чидамлилиқ	-	цикл	4500	4800	4500	4700
3.	Узилиш кучи, бўйига энига	P	N	194	268	167	207
				102	144	99	142
4.	Узилишдаги чўзилиш, бўйига энига	L	%	11	106	94	96
				135	141	144	157
5.	Чўзилувчанлик, бўйига энига	6N да	%	12	16	10	12,4
				6,1	8,6	6	8,5

Пайпоқ тўқимасининг ҳаво ўтказувчанлиги эмульсияланган 2-вариантда $146sm^3/sm^2s$, 4-вариантда $144sm^3/sm^2s$ га тенг. Ишқаланишга чидамлилиқ ишлов берилмаган 1,3-вариантларда бир хил 4500 цикл, 2-вариантда 4800 цикл, 6,3 % га ошган(11, 12-расм).



11-расм. Ҳаво ўтказувчанлик бўйича гистограмма

12-расм. Ишқаланишга чидамлилиқ бўйича гистограмма

Тўқимачилик газламаларни ишлаб чиқаришда охор сифатида ипак қурти ғумбагидан тайёрланган эритма ишлатилди. Охорлаш жараёнида танда ипи охорловчи эритмадан ўтказилади, ортиқча эритмадан сиқилади ва қуритилади. Натижада калаванинг бутун ҳажми бўйича ипларда ўзига хос хоссали қоплама ҳосил қилинади. Қопламаишдаги толаларни бир-бирига ёпиштириб, яқка эластик структурали силлиқ юза ҳосил қилади ва

калаванинг тўқув жараёнидан ўтишида, сирпанишида, ишқаланишида ва тортилишида титилиб кетишига йўл қўйилмайди, танда ипи узилиши камайтиради.

Танда ипларини ($T=50$ teks) охорлаш учун 2, 4, 6, 8, 10, 12 % миқдорда ғумбак қўшиб тайёрланган эритмалар ишлатилди. Тажриба ишлари “Кимёвий технология” кафедраси лаборатория шароитида амалга оширилди.

Ипларнинг физик-механик хоссалари ТТЕСИ қошидаги аккредитациядан ўтган “CentexUz” марказида аниқланган натижалар 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Охорловчи эритма концентрациясининг пахта ипи физик-механик хоссаларига таъсири

Кўрсаткичлар	Пахта ипининг узиш кучи ва солиштирма узиш кучи		Пахта ипининг узилишдаги чўзилиши		
	N	cN/teks	L, mm	ε , %	
Дастлабки намуна	1,7	3,4	18,0	3,6	
Краҳмал асосдаги эритма	1,96	3,92	15,2	3,2	
Ипак курти асосдаги эритма концентрацияси, %	2	1,76	3,52	18,8	3,8
	4	1,82	3,64	17,2	3,4
	6	1,94	3,88	14,8	3,0
	8	2,3	4,60	13,6	2,7
	10	2,52	5,04	13,0	2,6
	12	2,53	5,06	12,8	2,6

Жадвалдан охорланган пахта ипларининг узиш кучи 12% эритмада охорланмаган ипга нисбатан 32%, краҳмал асосдаги эритмада охорланган ипга нисбатан 23% га ошган, чўзилувчанлик эса охорнинг ипга қаттиқлик бериши ҳисобига охорланмаган ипга нисбатан 28% га, краҳмал асосдаги эритмада охорланган ипга нисбатан 16% га камайгани кузатилди.

Ипак курти ғумбаги асосидаги эритмадан фойдаланиш натижасида охор ювиш жараёни 16-20 соатдан 0,5-1 соатга қисқарди.

Натижалар асосида кичик квадратлар усулида охорловчи эритма концентрациясининг пахта ипи узиш кучига таъсири полиномиал регрессия моделини қўллаб, оптимал вариант ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларини “Kottontex” корхонасига тадбиқ этиб иқтисодий самарадорлик йигириш технологик жараёни ва ип сифати яхшиланиши натижасида 1 тонна ип учун 3 757,8 минг сўмни, бир йиллик учун 86 229 000 сўмни ташкил этиши ҳисоблаб топилди.

ХУЛОСА

“Ипакчилик чиқиндиларидан тўқимачилик материаллари сифатини яхшилашда ишлатиладиган эмульсияни тайёрлаш усулини яратиш” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Хоразм 127 ғўза нави, Чимбой 5018 ва Андижон 35 навлари физик-механик кўрсаткичлари O'zDst 604:2016 талабларига мос келиши, кимёвий таркиби бўйича Хоразм 127 навида ёғ-мум моддаси Чимбой 5018 га нисбатан 17 %, Андижон 35га нисбатан 38 %, кул моддаси Чимбой 5018 га нисбатан 34%, Андижон 35га нисбатан 42% камлиги ва α целлюлоза 94 % лиги аниқланди;

2. Хоразм 127 навининг физик-механик ва кимёвий таркибига кўра эмульсия таркиби маҳаллий хом ашёдан, яъни пиллани чувишда ажратилган чиқинди ғумбак асосида уч хил вариантда (2%, 3% ва 4%) эмульсия тайёрланди, ҳамда патент (IAP 04532) билан химояланди;

3. Пилла ғумбагидан олинган эмульсия таркибини асослаш ва уни қўллаш тартиби бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди;

4. Экспресс йиғириш “Шерли” қурилмасида чизиқли зичлиги 4,0 ктекс бўлган пилта тайёрланиб, BD 330 (SAURER фирмаси) маркали пневмомеханик йиғириш машинасида 25 текс ип йиғирилди. Йиғирилган ипларнинг физик-механик хоссалари аниқланиб, 2% эмульсия билан ишлов берилган Хоразм 127 нави толасидан олинган ипнинг узилиш кучи $P=10,11\text{cN/teks}$, узилишдаги узайиш $\varepsilon = 7,38\%$ бўлиб, бошқа нав толалари ипи кўрсаткичларига нисбатан ошириш имконини берди.

5. 2% эмульсия билан ишлов берилган ипларда бир даврли чўзилиш деформациянинг тўлиқ, қайишқоқ, эластик қисмлари ошгани ва пластик қисми камайгани аниқланди.

6. Эмульсияланган иплардан «Lambda» тўқув автомати ёрдамида тўрт хил вариантда трикотаж маҳсулоти-пайпоқ ишлаб чиқарилди. Пайпоқ маҳсулотларининг ҳаво ўтказувчанлиги, ишқаланишга чидамлилиги ва узиш кучи ошганлиги аниқланди.

7. Турли микдорга эга бўлган оҳорловчи эритмаларнинг хоссалари ўрганилиб, эритма концентрацияси ортиши билан оҳорланган ип узиш кучи 12% га, эритмада оҳорланмаган ипга нисбатан 32% га, крахмал асосидаги эритмада оҳорланган ипга нисбатан 23% га ошган, чўзилувчанлик эса оҳорланмаган ипга нисбатан 28% га, крахмал асосидаги эритмада оҳорланган ипга нисбатан 16% га камайиши аниқланган.

8. Иқтисодий самара эмульсия таркибини маҳаллий хом ашё ипак курти ғумбагидан тайёрлаш натижасида технологик жараён ва ип сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши ҳисобига эришилди, яъни 1 тонна ип учун 3757,8 минг сўмни, бир йилда эса 86 229 000 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.27.06.2017. Т.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ТОЙИРОВА ТУРСУНОЙ АБДУГАПИРОВА

**СОЗДАНИЕ МЕТОДИКИ ПОДГОТОВКИ ИЗ ШЕЛКОВЫХ ОТХОДОВ
ЭМУЛЬСИИ ИСПОЛЬЗУЕМОЙ ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ КАЧЕСТВА
ТЕКСТИЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ**

05.06.01-Материаловедение производств текстильной и легкой промышленности

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент -2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/T547.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.


Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.titli.uz и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz.)


Научный руководитель:	Кулметов Мирполат Кулметович кандидат технических наук
Официальные оппоненты:	Набиева Ирода Абдусаматовна доктор технических наук, проф Ахмедов Акмал Ахмедович кандидат технических наук “Paxtasanoatilmiymarkazi” АО
Ведущая организация:	Узбекский научно-исследовательский институт натуральных волокон


Защита диссертации состоится «30» апреля 2019 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности. (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория. тел.(+99871) 253-06-06,253-08-08, факс: 253-36-17;e-mail:titlp_info@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована №58). Адрес: 100100, г.Ташкент, ул. Шохжахон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «__» апреля 2019 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от «__» апреля 2019 года.)


Б.О.Анорбоев
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.


А.Э.Гулямов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.


С.А.Хамраева
Заместитель председателя научного семинара при
научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Особое внимание в мире уделяется повышению качества готовой продукции с использованием новых технологий при переработке текстильного сырья. По всему миру более чем в 80 странах возделывается четыре различных типа хлопчатника: *Gossipium chertyum*, *Gossipium barbadenze*, *Gossipium arboreum*, *Gossipium cherbatseum*, которые в основном выращиваются (млн. тонн) в Китае-6,7; Индии-5,1; США-3,8; Пакистане-2,1; Бразилии-1,5; Австралии-0,9; Узбекистане-0,9¹. По данным Международного хлопкового консультативного комитета (ICAC), в результате сокращения хлопковых полей спрос на этот продукт на мировом рынке вырос на 2% до 33,4 млн. тонн. В настоящее время, учитывая дефицит воды, из-за климатических условия регионов, используя современные биотехнологии, важно создавать высококачественные сорта хлопчатника и обеспечить эффективную переработку в текстильной промышленности и в производстве готовой продукции.

Во всём мире в результате растущих требований к качеству текстильной продукции проводятся научно-исследовательские работы по производству нового оборудования и созданию технологий, с учетом важных факторов, влияющих на технологические процессы выработки продукции. Это достигается за счет обработки различными химическим и растворами для придания хлопковым волокнам требуемых свойств. В то же время необходимо сократить использование различных химических веществ в процессе прядения, чтобы улучшить качество текстильных материалов-волокон, пряжи и готовых изделий.

В Республике Узбекистан принимаются меры по производству хлопка-сырца, по первичной обработке, переработке и производству конкурентоспособной продукции с высокой добавленной стоимостью с применением хлопко-текстильных кластеров. В Стратегии развития Республики Узбекистан на 2017–2021г. поставлены такие задачи, как «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, сокращение потребления энергии и ресурсов в экономике, широкое внедрение энергосберегающих технологий для производства конкурентоспособной продукции с высокой добавленной стоимостью ...»². Реализация этой задачи достигается за счет использования методов эмульсирования, усовершенствования технологии эмульсирования и шлихтования для улучшения качества продукции хлопкоперерабатывающих, хлопкоочистительных, прядильных и ткацких производств.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики

¹<http://www.agroxxi.ru/stati/hlopchatnik-vidy-i-sorta.html>

² Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947.

Узбекистан «О Стратегии действий дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года УП-4947, «О мерах по дальнейшему развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности на 2017-2019 годы» от 21 декабря 2016 года ПП-2687 и постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об интенсификации физического обновления и износа оборудования промышленных предприятий, а также о дополнительных мерах по снижению себестоимости продукции и других нормативно-правовых актов» от 22 декабря 2007 г. ПП-2692.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан по направлению II. «Энергетика, энергия и энергосбережение».

Степень изученности проблемы. Вопросам обработки хлопкового волокна различными химическими растворителями для обеспечения требуемых свойств по технологическим переходам хлопкопрядильных процессов посвящены научные исследования ученых I.Constanta, S.Christian, B.Thomas, A.Klaus-Alfred, W.Peter, M.Walter, G.Volpinch, J.L.Wood и др.

В нашей республике такие ученые, как Р.А.Гуляев, А.Лугачев, Б.И.Косимов, Т.Б.Муродов, К.Болтабаева исследовали применение химических препаратов для обеспечения протекания стабильных технологических процессов первичной обработки хлопка и прядения, а также для получения высококачественных текстильных изделий. Х.Б.Бабжанов, А.Миратаев, Н.М.Исламбекова, а также зарубежные учёные Н.Н.Крик, В.А.Трокоз, А.Чурчкин, Е.Коваленко, Т. Б. Аретинская, Л. Н. Надольник провели исследования, направленные на использование растворов из куколки тутового шелкопряда в текстильной и других отраслях промышленности.

